

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.А.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ЎЛМАСОВ АКМАЛЖОН ФОЗИЛОВИЧ

**КУШОН ДАВРИ ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯ МЕЪМОРИЙ БЕЗАКЛАРИ
ТАДРИЖИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ**

**18.00.01 – Архитектура назарияси ва тарихи.
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш**

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ўлмасов Акмалжон Фозилович

Кушон даври Шимолий Бактрия меъморий безаклари тадрижи ва
хусусиятлари 3

Ульмасов Акмальжон Фозилович

Эволюция и особенности архитектурного декора Северной Бактрии
Кушанского периода 21

Ulmasov Akmaljon Fozilovich

Evolution and features of architectural decoration of Northern Bactria in
Kushan period 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.А.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ЎЛМАСОВ АКМАЛЖОН ФОЗИЛОВИЧ

**КУШОН ДАВРИ ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯ МЕЪМОРИЙ БЕЗАКЛАРИ
ТАДРИЖИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ**

**18.00.01 – Архитектура назарияси ва тарихи.
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш**

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/A5 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Санъатшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) институтнинг веб саҳифаси (<http://www.taqi.uz>) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юсупова Мавлюда Аминжановна
меъморчилик фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Шайдуллаев Шапулат Базарович
тарих фанлари доктори, профессор

Нурмухамедова Шоира Захидовна
архитектура фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Я.Ғуломов номидаги Археологик тадқиқотлар институти

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.A.11.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А. Навоий кўчаси, 13-уй. Бош ўқув биноси, Кичик мажлислар зали. Тел.: (+998 71) 234-11-37, факс: (+998 71) 241-13-90, Web: www.taqi.uz, e-mail: info@taqi.uz)

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А. Навоий кўчаси, 13-уй. Тел.: +99871 244-63-30).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.А. Нозилов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, арх. д., профессор

Т.Ш. Маматмусаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, арх. н.

Т.А. Хидоятгов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, арх. д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг кўплаб давлатларида тарихий, маданий ҳамда архитектура меросини ўрганиш, ундан жамият ривожига, ёш авлодни ватанпарварлик руҳига тарбиялаш, миллий ғурурни шакллантириш ва туризм соҳасида кенг фойдаланиш долзарб тус олмақда. Бу борада илғор мамлакатларда инновацион технологиялар ёрдамида ёдгорликларни музейлаштириш, уларнинг виртуал моделларини яратиш жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Ҳозирда мавжуд архитектура обидаларини таъмирлаш, археологик қазилмаларда аниқланган бино ва иншоотларни қайта тиклаш зарурати намоён бўлмоқда.

Жаҳон миқёсида Кушонлар даври меъморчилигини ўрганиш юзасидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларида Шимолий Бақтрия меъморий безаклари тадрижи муҳим аҳамият касб этмоқда. ЮНЕСКО ташаббуси билан 1968 йилда ўтказилган халқаро симпозиум Кушон давлатининг сиёсий-ижтимоий ва маданий ҳаёти, шаҳарсозлик тарихи саҳифаларини очишда илк қадамлардан бири бўлган эди. Симпозиумда дунёнинг юздан ортиқ олимлари ва мутахассислари томонидан Кушонлар даври маданияти ва санъатининг жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса қўшгани эътироф этилган. Ҳозирда ўрганилаётган ҳудудга эллин ва ҳинд-буддавийлик анъаналарининг тарқалиши ҳамда таъсирини ўрганиш жаҳон илм аҳлининг диққат марказида бўлиб қолмоқда. Илмий изланишлар олиб борилганига қарамай, Кушонлар давлати билан боғлиқ кўплаб масалалар, хусусан, шаҳарсозлик маданияти ва меъморчилик услубларини тадқиқ этиш ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда.

Мустақиллик йилларида миллий кадриятлар, халқимизнинг бой тарихи, моддий-маданий ёдгорликларга эътибор тубдан ўзгарди. Сўнгги йилларда маданий меросимизни янада чуқурроқ ўрганиш, уларни ички ва халқаро туризм салоҳиятини оширишда самарали фойдаланиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. «Яна бир муҳим масала – юртимиздаги тарихий обидаларни тиклаш ва таъмирлаш, буюк аجدодларимизнинг қадамжоларини обод этиш бўйича олдимизда қанча вазифалар турибди»¹. Бу борада тарихий шаҳарлардаги кўплаб архитектура ва археология ёдгорликларини консервацияси ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Қадимги давр шаҳар-қишлоқлари, алоҳида бино ва иншоотларини тўлиқ тасаввур қилиш учун уларнинг бирламчи қиёфаларини тиклаш ниҳоятда муҳимдир. Ҳудуднинг Кушон даври меъморчилигининг кейинги даврлар шаҳарсозлик санъатини шаклланишида ва ривожланишида тутган ўрнини аниқлаш ҳозирги меъморчилик фанининг долзарб масалаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майда қабул қилинган «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-3022-сонли Қарори ҳамда 2018 йил 18 январда қабул

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлис палаталари, сиёсий партиялар билан бўлган йиғилишдаги маърузаси. «Халқ сўзи». – 2017. – 13 июль. №137 (6831).

қилинган «Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5181-сонли Фармойиши, шунингдек, тарихий шаҳарларни қайта тиклаш ва сақлашга доир бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шимолий Бактриянинг кушон даври тарихи, бадий маданияти, хусусан, меъморчилиги XX асрдан бошлаб тадқиқотчилар эътиборида бўлиб келган. Бу билан дастлаб ҳаваскор қадимшунос-шарқшунослар, меъморлар ва бошқа соҳа вакиллари шуғулланган бўлсалар, кейинчалик бир қатор тадқиқотчилар ўзларининг илмий изланишларида эътибор қаратишган. Хусусан, мавзу доирасида А. Стрельков, Б. Денике, Б. Засыпкин, М. Массон, Б. Веймарн, К. Тревер, Г. Пугаченкова, Л. Ремпель, В. Нильсен, В. Воронина, Л. Маньковская, Б. Ставиский, И. Пичикян, Э. Ртвеладзе, А. Ҳакимов, Б. Тургунов, Ш. Пидаяев, Т. Мкртычев, Д. Нозилов, М. Юсупова, Ҳ. Кароматов, Э. Гюль, А. Асанов, К. Абдуллаев, Ш. Нурмухаммедова ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Япониялик таникли профессор К. Като маҳаллий мутахассислар билан ҳамкорликда мамлакатимиз жанубидаги Қоратепа, Далварзинтепа каби археологик ёдгорликлар, уларда аниқланган бино ва иншоотларнинг қолдиқлари ҳамда меъморий безакларни тадқиқ қилган². Бу каби ҳалқаро илмий изланишларни ҳозирда профессор П. Лериш бошчилигидаги Франция олимлари ва мутахассислари ҳам олиб боришмоқда³. Жумладан, экспедиция аъзоси М. Перу Термиз ёдгорликларининг меъморий безаклари хусусида илмий тадқиқотлар ўтказмоқда⁴.

XX аср бошларида Амударёда фавқулотда топилган Айритом фризлари ва уларга бағишланган М. Массоннинг мақоласи ҳудуднинг кушонлар даври маданияти ва санъати билан боғлиқ баъзи масалаларга ойдинлик киритди⁵. Мавзу доирасида Г. Пугаченкованинг илмий ишларини алоҳида эътироф этиш жоиз. Уларда Бактриянинг антик давр шаҳарсозлик маданияти билан бирга меъморий безакларнинг генезиси, таснифи, қўшни тарихий-маданий ҳудудлардаги намуналари билан қиёсий таҳлили, тайёрлаш техникаси каби бир

² Pidaev Sh., Kato K. The Excavation on the North and West (Central) hills of Kara-tepa (1998-2007). – Kanagawa: Ai-Khanum, 2007. – 40 p.

³ Pidaev Sh., Lerish P. Termez sur Oxus. Cite-capitale d'Asie Centrale. – Paris: IFEAC, 2008. – 155 p.

⁴ Perou M.O. Le décor architectural de la ville de Termez à l'époque kouchane // Cahiers d'Asie centrale, 21/22, 2013. – 413-422 p.

⁵ Массон М.Е. Находка фрагмента скульптурного карниза первых веков н. э. Материалы Узкомстариса. Вып. 1. – Т., 1933. – 20 с.

қатор масалалар ёритилган⁶. Шунингдек, М. Болганованинг Ўрта Осиёнинг буддавийлик меъморчилиги масалаларига бағишланган тадқиқотида ҳам меъморий безакларга қисман тўхталиб ўтилган⁷.

Юқоридаги илмий тадқиқотлар антик давр меъморий безакларини умумий ҳолда ўрганишга, қисман эса айрим масалаларини аниқлашга қаратилган бўлиб, муаллифлар масалани фундаментал асосда тўлиқ тадқиқ этишни мақсад қилиб олмаганлар. Бунга кўра Кушонлар даври меъморий безакларининг генезиси ва ривож, типологик классификацияси, реконструкцияси каби масалаларга бағишланган комплекс тадқиқот олиб борилмаган. Қолаверса, сўнгги чорак асрдан кўпроқ вақт оралиғида ҳудудда олиб борилган археологик қазишмалар натижасида кўплаб янги материаллар қўлга киритилган. Мазкур манбаларни жамлаб, амалга оширилган илмий изланишларни умумлаштириб, мавзунини фундаментал асосда тадқиқ этиш ниҳоятда муҳимдир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ЎзР ФА Санъатшунослик институтидаги ФА-А1-Г022 (ПЗ-2014-0912212034) шифрли «Қадимги савдо йўллари чорраҳаларидаги шаҳарлар маданияти ва санъати» мавзуларидаги «Ижтимоий фанларни қўллаб-қувватлаш фонди» лойиҳаси билан узвий боғлиқ.

Тадқиқотнинг мақсади Шимолий Бақтриянинг Кушонлар даврига оид конструктив-безак қисмларининг генезиси ва ривожланиш босқичлари, маҳаллий ўзига хослиги, қўшни бадий мактаб анъаналарининг таъсирини аниқлаш ҳамда график реконструкция таклифларини беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳудуднинг археологик ёдгорликларидан топилган меъморий безакларни ўрганилиш даражасини таҳлил қилиш;

конструктив-безак намуналарни бино ёки иншоотдаги функциясига кўра гуруҳларга ажратиш, даврий ва тур жиҳатидан таснифлаш ва тавсифлаш;

қўшни тарихий-маданий ҳудудлардаги турдош топилмалар билан таққослаш орқали уларнинг маҳаллий ўзига хослигини аниқлаш;

конструктив-безак қисмларни ясашда ишлатилган хом-ашёларининг хусусиятларини ёритиш ва уларни яшаш техникасини тадқиқ этиш;

меъморий безаклар генезиси ва ривожланиш босқичларини аниқлаш ҳамда улар билан боғлиқ манбаларни умумлаштириб, таҳлил қилиш;

геометрик, ўсимликсимон шакллар ва бадий образлар семантикасини таҳлил этиш ҳамда реконструкция таклифларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Жанубий Ўзбекистон ҳудудида археологик қазишмалар натижасида аниқланган Кушон даври (милодий I – IV асрлар)га оид конструктив-меъморий қисмлар ва уларга тегишли манбалар (архив, музей коллекцияси маълумотлари, илмий адабиётлар ва б.) ташкил этади. Қиёсий

⁶ Пугаченкова Г.А. Искусство Бактрии эпохи Кушан. – М.: Искусство, 1979. – 248 с.

⁷ Болганова М.С. Архитектура буддийских памятников Средней Азии.: Автореф. дис. канд. арх. наук. – Ташкент: ТАСИ, 2011. – 40 с.

таҳлил ва баъзи хусусиятларни очиб бериш учун даврий жихатдан Кушонлардан аввалги (ахмонийлар, юнон-бактрия) даврлар ҳамда географик жихатдан умумий Бактрия, кўшни (Парфия, Гандхара) ва узоқ (Греция, Рим, Кичик Осиё) тарихий-маданий ҳудудлардаги меъморий намуналарга мурожаат қилинган.

Тадқиқот предметини меъморий безакларнинг таснифи, генезиси, ривож, семантикаси, техника ва технологияси ҳамда реконструкцияси билан боғлиқ масалалар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари сифатида диссертацияда даврий, таснифий, тизимли-тавсифий, қиёсий-типологик таҳлил, таққослаш усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Кушонлар даврига оид меъморий безакларнинг иншоотлардаги ўрнидан келиб чиқиб тош пойустун, устун ўзаги, капител каби ордер қисмларига ҳамда антефикс, кунгура, буддавийлик ступаларининг бадиий элементлари каби гуруҳларга ажратилган;

Бактрия меъморчилигида қўлланилган конструктив қисмлар ва безак элементларининг «ионийсимон» ва янги маҳаллий «бактрия» тош пойустун турлари аниқланган;

меъморчиликка оид аниқланган конструктив қисмлар ва бадиий безакларнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари асосида Ахмонийлар (ионийсимон тош пойустун, протокапител), Юнон-Бактрия (аттик ва коринф ордери қисмлари) ҳамда кушон даврлари (маҳаллийлашган меъморий қисмлар ва ступа безаклари)га ажратилган;

Кўхна Термиз, Далварзинтепа, Холчаён, Айритом ёдгорликларида кашф қилинган сарой, турар жой бинолари ва меъморий ордер қисмлари ҳамда Зурмала, Қоратепа буддавийлик ступаларининг қадимги график кўри-нишлари тикланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

республикаимизнинг йирик музейлари (ЎЗР ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Термиз археология музейи, Термиздаги «Мерос» музейи) ва коллекциялари (ЎЗР ФА Санъатшунослик институти археологик коллекцияси, Термиз археологик экспедициясининг базаси, Сурхондарё вилояти Денов туманидаги Холчаён ёдгорлиги яқинида жойлашган №41 мактаб)да сақланаётган меъморий безаклар фиксация қилинди ва электрон каталоглари тузилган;

меъморий безакларни ўрганиш, кўшни тарихий-маданий ҳудудлардаги турдош намуналари билан таққослаш орқали айрим бино ва иншоотлар (Далварзинтепадаги будда ибодатхонаси, задогонларнинг уйлари, Айритом, Қоратепа, Зурмала ступалари)нинг реконструкция таклифлари берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммони аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг таснифий, қиёсий-типологик таҳлил каби усуллар билан асослангани, Кушон даври меъморий безакларига оид манбалар

(археологик топилмалар, музей ва коллекция экспонатлари, илмий адабиётлар)га таянилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти Ўзбекистоннинг қадимги давр меъморчилиги билан боғлиқ назарий ва амалий муаммоларни ечимига хизмат қилади. Диссертация иши натижаларидан республика олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейлар талабалари учун меъморлик тарихи бўйича махсус курслар, ўқув дастурлари ҳамда маърузалар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистоннинг қадимги давр меъморчилигининг илмий-тарихий концепциясини тузишда, меъморий артефактлар, улар билан боғлиқ маълумотлар музей ва фондлар каталоглари ҳамда электрон базаларини яратишда қўллашдан иборат. Меъморий қисмларнинг реконструкция намуналари мазкур худуднинг қадимги бино ва иншоотлари асл қиёфаларини тиклашда амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кушон даври Шимолий Бактрия меъморий безаклари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Диссертация натижасида аниқланган янги меъморий элементлар илмий тавсифидан Санъатшунослик институтида Фундаментал тадқиқотлар дастури бўйича 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-А1-Г022 шифрли «Ўзбекистоннинг қадимги ва ўрта аср бадиий маданиятида анъаналар ва инновациялар» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида 2013 йилда Корея Республикасида чоп қилинган «Uzbekistan. Kushan dynasty and Buddhism» каталогига фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 18 апрелдаги 3/1255-989-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши меъморий безакларга оид маълумотлар каталогини бойитишга хизмат қилган.

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган меъморий безакларни фиксация қилиш услубларидан Кушон даврига оид бино ва иншоот мажмуалари ва уларнинг конструктив-меъморий қисмларини фиксация ва консервация қилиш, экспонатлар яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш Бош бошқармасининг 2018 йил 4 апрелдаги 01-01/278-сонли далолатномаси). Амалий ишларнинг қўлланилиши ёдгорликка оид маълумотларни бойитишга хизмат қилган.

Илмий ишда очиб берилган Фаёзтепа ёдгорлигига оид меъморий элементлар тавсифидан ЮНЕСКОнинг «Фаёзтепа буддавийлик мажмуасини консервация қилиш» халқаро лойиҳаси доирасида археологик топилмаларни фиксация қилиш ва музей ташкил этиишда фойдаланилган (ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг 2018 йил 09 апрелдаги СМ-FO-TAS-2018-003195-сонли маълумотномаси). Ушбу илмий тавсиялар асосида ёдгорликдаги объектлар консервация қилинган.

Тадқиқот натижалари ва тавсияларидан Ўзбекистон Бадиий академияси Иқоу Хираяма Халқаро маданият карвонсаройида 2010-2016 йиллар давомида

мунтазам ўтказилган Ўзбекистон маданий мероси муҳофазаси бўйича тренинг ва воркшопларда фойдаланилган (Ўзбекистон Бадиий академиясининг 2018 йил 24 апрелдаги 03-09/93-645-сонли маълумот-номаси). Илмий ишлар натижаси соҳа мутахассислари ва талабалари малакасини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилиши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий мақола ва тезислар нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола эълон қилинган. Улардан 4 таси республика ҳамда биттаси хорижий журналда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Иловада меъморий атамалар луғати, таҳлилий жадваллар, расм ва чизмалар келтирилган. Диссертациянинг ҳажми 149 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Меъморий безакларни ўрганилиш тарихи**» деб номланган ва уч бўлимдан иборат. Мазкур бобда тадқиқот мавзуси доирасида олиб борилган аҳамиятли илмий тадқиқотлар ҳамда уларнинг илмий адабиётларда ёритилиши таҳлил қилинган. Даврий жиҳатдан катта муддатни қамраб олган тадқиқотлар шартли равишда уч босқичга ажратилди.

Бобнинг «**XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошлари**» деб номланган биринчи бўлимида Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудида жойлашган археологик ёдгорликлар ва уларда аниқланган меъморий безакларнинг ўрганилиш тарихи қисқача баён қилинган.

XIX аср охирига келиб, ҳудуднинг қадимий осори-атиқалари, меъморий обидалари рус ва хорижий шарқшунослар ва археология хаваскорлари эътиборини тортган. Бу иштиёқ баъзи ўлкашунос ва мусаввирларни меъморий обидаларнинг фасад ва интерьер, алоҳида безакларини ўлчаш ҳамда нусхаларини чизишга ундаган бўлса, кейинчалик, А. Стрельков, Б. Денике, М. Массон кабиларни илк археологик экспедициялар уюштиришга ундади. Йиғилган материаллар асосида чоп этилган катор мақолаларда

худуднинг Кушон даври тарихи, маданияти ҳамда меъморчилиги хусусидаги фикрлар қайд қилинган.

М. Массоннинг Айритом фризарига бағишланган илмий мақоласи кўплаб қадимшунос ва кенг жамоатчилик қизиқишига сабаб бўлган. Унда Шимолий Бактрия меъморчилиги, хусусан, тош конструктив қисмлар ва бадий безаклари хусусидаги илк маълумотлар ўз аксини топган⁸. Тадқиқ қилинаётган худудда олиб борилган кенг қамровли илмий изланишлар мавзуга доир кўплаб материалларни берган. Ўз навбатида мазкур маданий буюмлар ва санъат дурдоналари К. Тревер, Б. Веймарн каби санъатшуносларнинг ҳам қизиқишларига сабаб бўлган. Илк босқични Г. Пугаченкованинг Кўҳна Термиз худудидан 1935 йилгача топилган ўттиздан ортиқ меъморий безак бўлақларини батафсил таҳлили баён қилинган мақоласи яқунлаб беради. Унда Шимолий Бактрия меъморчилиги, хусусан қадимги бино ва иншоотларнинг конструктив ва бадий безак қисмларига эллин анъаналарининг таъсири бўлганлиги эътироф этилган⁹.

Мазкур бобнинг «XX асрнинг иккинчи ярми» деб номланган иккинчи бўлимида ўтган асрнинг 50-йилларидан сўнг мавзу доирасида олиб борилган тадқиқотлар таҳлили келтирилган. Бу даврда Ўрта Осиё халқлари тарихи, маданияти ва санъати, умуман олганда худудни ҳар томонлама ўрганиш кенг қулоч ёйган. Кенг қамровли археологик изланишлар кўплаб ёдгорликлар ва улардан юксак бадийлик билан ишланган буюмларни тухфа этган. Ўз навбатида санъат дурдоналари санъатшунослик ва меъморчилик нуқтаи-назаридан ҳам ёритила бошланган. Хусусан, Г. Пугаченковага ва Л. Ремпель ҳаммуаллифлигида чоп этилган бир қатор фундаментал монографияларда Ўзбекистон худудидаги кўзга кўринган меъморий обидалар, тасвирий санъат ёдгорликлари, шу жумладан меъморий безаклар тадқиқ қилинган¹⁰. Меъморий безаклар ва нақшлар билан бевосита алоқадор фундаментал тадқиқот Л. Ремпельга таалуклидир¹¹.

Ўтган асрнинг 60-йиллари бошларида Кўҳна Термизда турли сабабларга кўра тўхтаб қолган археологик тадқиқотлар яна жонланди. Жумладан, археолог Б. Ставиский бошчилигидаги қатор илмий даргоҳлардан йиғилган экспедиция гуруҳи бир неча ўн йиллар давомида шахристоннинг Қоратепа буддавийлик ёдгорлигида кенг қамровли изланишлар олиб борди. Натижада бу ерда қатор ибодатхона, монастир, ступа каби буддавийликка оид ғорли ва туташ ер усти меъморий иншоот қолдиқлари, тошдан йўниб ишланган меъморий қисм ва

⁸ Массон М.Е. Городища Старого Термеза и их изучение // Труды АН Уз ССР. Серия I. История. Археология, Вып. 2, ТАКЭ, 1936 г. – Ташкент, 1940. – С. 5-122.

⁹ Пугаченкова Г.А. Фрагменты эллинистической архитектуры правобережного Тохаристана // Труды АН Уз ССР, история, археология. Сер. 1. Т. II. – Ташкент, 1945. – С. 65-81.

¹⁰ Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. – Т.: Гос. изд-во худ. лит., 1958. – 192 с.; Ўша муаллифлар: Выдающиеся памятники изобразительного искусства Узбекистана. – Т.: Гос. изд-во худ. лит. 1960. – 328 с.; Ўша муаллифлар: История искусств Узбекистана (с древнейших времен до середины девятнадцатого века). – М.: Искусство, 1965. – 688 с.

¹¹ Ремпель Л.И. Архитектурный орнамент Узбекистана. История развития и теория построения. – Ташкент: Гос. изд-во худ. лит., 1961. – 606 с.

безаклар аниқланган. Уларга бағишланган илмий ишлар серияли монографияларда ўз ифодасини топган¹².

Илмий изланишлар Термиздан узоқ ҳудудларда ҳам амалга оширилган. Ўша йиллари Г. Пугаченкова ташаббуси билан тузилган «Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси» (ЎЗСЭ) томонидан ҳудуднинг яна бир йирик ёдгорлиги Холчаён аниқланди. Холчаён меъморий иншоотларида турли кўринишдаги тош пойустунлар, интерьерларида деворий суратлар ва рельефли ҳайкаллар, экстерьерларида эса ўзига хос антефикс ва мерлонлар уйғунликда қўлланилган¹³.

ЎЗСЭ экспедицияси Холчаённи ўрганиш билан бирга қўшни туманларда ҳам қидирув-кузатув ишларини олиб борган ва турли даврларга оид археологик ҳамда меъморий иншоотлар қолдиқларини аниқлашга муваффақ бўлган. Улар орасида майдони ва аҳамиятига кўра, Далварзинтепа шахристони мутахассисларни ўзига жалб қилган. Бу ерда тарихий-маданий топилмалар билан биргаликда турли даражада сақланган бино ва иншоотлар қолдиқлари ҳамда уларда қўлланилган конструктив ва безак элементлари аниқланган ва кенг жамоатчиликка тақдим қилинган¹⁴.

Б. Турғунов бошчилигидаги ЎЗСЭнинг бошқа аъзолари изланишлар кўламини жануб томонга ҳам кенгайтириб, Термиз яқинидаги Айритом буддавийлик ёдгорлигида ҳашаматли бино мажмуаси, буддавийлик ступаси ва кўплаб меъморий безакларни аниқлашга муваффақ бўлишган¹⁵.

Қадимги бино ва иншоотларга оид фактологик материал ва маълумотлар ортиши улар билан боғлиқ, масалан, меъморий безакларнинг таснифи, келиб чиқиши, пропорцияси, реконструкция каби алоҳида масалаларга бағишланган илмий тадқиқотлар яратилишига сабаб бўлган. Уларга В. Нильсен, В. Манаковалар, Л. Маньковская, Б. Ставиский, И. Пичикян, В. Воронина, А. Асанов ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

Биринчи бобнинг сўнгги «Истиклол даври» (1990-2015 йй.) деб номланган учинчи бўлимида мавзуга оид тадқиқотлар таҳлилининг мустақилликдан кейинги даври ёритилган. Ўтган аср сўнггида собиқ Совет мамлакатлари ҳаётида туб бурилиш юз берди. Мустақилликка эришган давлатлар олдида эндиликда ўзларининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлари қаторида ўз миллий тарихи, маданияти ва маънавиятини тиклаш вазифаси турарди. Экспедициялар жойларда ҳудуд маданияти ва шаҳарсозлик санъатига дахлдор

¹² Грек Т.В., Пчелина Е.Г., Ставиский Б.Я. Кара-тепе – буддийский пещерный монастырь в Старом Термезе. (Кара-тепе I). – М.: «Наука», 1964. – 161.; Ўша муаллифлар: Кара-тепе II. – М.: «Наука», 1969. – 232 с.; Кара-тепе III. – М.: «Наука», 1972. – с 208.; Кара-тепе IV. – М.: «Наука», 1975. – 200 с.; Кара-тепе V. – М.: «Наука», 1982. – 198 с.; Кара-тепе VI. – М.: «Наука», 1996. – 342 с.

¹³ Пугаченкова Г.А. Халчаян. К проблеме художественной культуры Северной Бактрии. – Ташкент: «Фан», 1966. – 287 с.

¹⁴ Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. и др. Дальверзинтепе – кушанский город на юге Узбекистана. – Т.: «Фан», 1978. – 240 с.

¹⁵ Турғунов Б.А. Каменные архитектурные детали из Айртама // Искусство зодчих Узбекистана, т. IV. – Т.: Фан, 1969. – С. 207-216.; Ўша муаллиф: К изучению Айртама // Из истории античной культуры Узбекистана. – Т.: Изд. лит. и иск. им. Г. Гуляма, 1973. – С. 52-78.

кўплаб фактологик материалларни кўлга киритган. Изланишларга бағишланган илмий ишлар кўлами ҳам ортган. Б. Ставиский, Э. Ртвеладзе, Б. Турғунов, Ш. Пидаев, Т. Мкртычев ва бошқа қадимшуносларнинг кўплаб янги топилмалари Ўзбекистон, умуман олганда Ўрта Осиёнинг қадимги давр меъморчилигини ўрганишга катта ҳисса бўлиб қўшилди. В. Воронина, Д. Нозилов каби тадқиқотчилар конструктив-безак қисмларни бино ва иншоотлардаги вазифаси, хусусиятларини ўрганган ҳамда реконструкция таклифларини ишлаб чиққан. Ўзбекистоннинг қадимги давр меъморчилиги ва безакларининг айрим қирралари хусусида Х. Кароматов, Э. Гюль, Ш. Нурмухаммедова, К. Абдуллаев, М. Болганова каби бир қатор тадқиқотчилар илмий изланишлар олиб борган. Ш. Пидаев янги маълумотларга асосланиб, Термиз шаҳарсозлигининг шаклланиши ва тадрижий ривожини ҳамда М. Юсупова шаҳарнинг ўрта асрлар меъморчилиги хусусида тадқиқотлар олиб боришган.

Халқаро экспедицияларнинг айримлари ўрганилиши аввал бошланган ёдгорликларда изланишларни давом эттирган бўлса, баъзилари янги илмий қидирув ишларини амалга оширмоқда. Жумладан, биргина Кўҳна Термиз шаҳристонида француз, япон, корейс, испан олимлари маҳаллий мутахассислар билан ҳамкорликда Чингизтепа, Қоратепа, Фаёзтепа ёдгорликларида асосан кушон даврига оид бино ва иншоот қолдиқларини аниқлашган. Бу каби халқаро изланишлар ҳудуднинг Далварзинтепа, Кампиртепа, Қорабоғтепа каби бошқа шаҳристонларида ҳам олиб борилган.

Диссертациянинг «**Меъморий безакларнинг типологик таҳлили, хомашё хусусиятлари ва яшаш техникаси**» деб номланган иккинчи боби уч бўлимдан иборат. Бобнинг «Типологик тасниф ва тавсиф» деб номланган биринчи бўлимида конструктив-декоратив деталлар иншоотдаги конструктив вазифаси ва ғоявий-композицион ўрнидан келиб чиқиб, бир неча гуруҳлар – тош пойустун, устун ўзаги, капител, антефикс, кунгура ҳамда диний иншоот (ступа)ларнинг меъморий қисмлари ва бошқа безак намуналарига ажратилган. Ҳар бир меъморий тур вазифаси, ташқи кўринишига кўра кичик гуруҳларга бўлиниб тавсиф қилинган ҳамда кўшни ҳудудлардаги турдошлари билан қиёсий таҳлили келтирилган.

Устун тизими – Шимолий Бактриянинг кушон, умуман антик давр меъморчилигида ўзига хос тарзда намоён бўлган. Устунларнинг асосий қисмлари ҳисобланган пойустун ва капителлар турлича услубда, ўрта бўғини кўпроқ ёғоч, кам ҳолларда тош ўзақлардан ташкил топган. Пойустун – устун тизимининг асосий конструктив қисмларидан бири бўлиб, одатда тошдан тайёрланган. Мазкур конструктив қисмлар илмий адабиётларда умумий «торосимон» ҳамда «аттик» турларга ажратилган. Лекин, тадқиқот натижасида ушбу даврда ҳудудда тош пойустунларнинг ҳозиргача камроқ маълум бўлган ионий ордерининг «Кичик осие» ва янги – «цилиндрсимон» ёки «бактрия» тури аниқланди ва илмий муомилага киритилди. Улар кам сонли намуналарни

ташкил қилса-да, ҳудуднинг қадимги меъморчилигини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Устун ўзаги – меъморий ордер тизимининг таянч конструктив қисми ҳисобланиб, кўйида пойустун, юқорида эса ёғоч ёки тош капителга мустаҳкамланган. Устун ўзақлари асосан ёғоч, кам ҳолларда тош (оҳактош)дан ясалган. Агар ёғоч устунларга бор бўйича яхлит дарахтдан шакл берилган бўлса, тош ўзақлар бир-бирига маҳкамланган ва силлиқланган цилиндрсимон блоклардан ташкил топган.

Капител – устуннинг юқори тугалловчи қисми бўлиб, тўсин ва ундан юқоридаги бино томи қисмлари оғирлигини устунга тенг тақсимлаш учун хизмат қилган. Уларни иншоотдаги функцияси, шакл-шамойили бошқа омилларидан келиб чиқиб бир неча турларга: маҳобатли тош капителлар, юмалоқ устуннинг ёғоч ва коринфлашган тош капителлари ҳамда бурчак ва ён пилястрларнинг композит капителларига ажратилди. Бошқа турларга қараганда кўпроқни ташкил этган композит туридаги пилястра капителлари композицияси, ғоявий ва бадий жихатларига кўра ўсимликсимон, антропоморф ва зооморф турларга таснифланди.

Кушон даври Бактрия меъморчилигининг яна бир хусусиятларидан бири антефикс каби юнон-рим меъморлиги элементларининг шарқона анъаналарга бориб тақалувчи тишли кунгуралар билан уйғунликда қўлланилишидир. Антефикс текис том қирғоғини яқунловчи қисм сифатида қўлланилган. Уларнинг энг кўп намуналари Холчаёнда аниқланган бўлса, айрим намуналари бошқа ёдгорликлар (Далварзинтепа, Култепа, Чимкўрғон ва б.)да ҳам учраб туради. Уларни ҳам стилистик белгиларидан келиб чиқиб, ўсимликсимон ва антропоморф турларга ажратиш мумкин. Кунгура-мерлонлар соф Ўрта Осиё меъморчилиги унсури ҳисобланиб, қадимдан Ўрта Шарқда кенг тарқалган. Улар дастлаб шинаклар кўринишида истехкомлар, кўрғонлар томининг четида махсус қурилган бўлиб, мудофаа вазифасини бажарган. Кушон даврига келиб, тишли кунгуралар Холчаён саройида бўлгани каби ҳажми кичрайган ва фақат безак сифатида қўлланган.

Буддавийлик иншооти (ступа)ларнинг меъморий безаклари кейинги гуруҳни ташкил этиб, улар кўпроқ буддавийлик иншоотларининг интерьерлари ва ступаларнинг ташқи беаги сифатида қўлланилган. Ступанинг меъморий элементларига тош плиталар, пилястра, плинтус, карниз, фриз, триглиф, хармика, чатра каби қисмлар киради. Карниз ва фризлар кўп ҳолларда ўсимликсимон безаклар, қисман антропоморф ва зооморф қиёфалар билан безатилган. Юзалари силлиқланган тош плиталар бино ёки қурилманинг ташқи қопламаси бўлиб хизмат қилган. Бу каби меъморий безак намуналари Айритом, Қоратепа, Зурмала ва бошқа буддавийлик ёдгорликларида кўп учрайди. Моҳиятига кўра, бу меъморий деталлар Гандхара анъаналари таъсири остида яратилган ҳамда ступани кўркамлигини ошириш баробарида унга улуғворлик ҳам бахш этган.

Иккинчи бобнинг «Хом-ашё хусусиятлари» деб номланган иккинчи бўлимида меъморий безакларни ясашда ишлатилган хом-ашёларнинг хусусиятларига таъриф берилган. Шимолий Бактриянинг Кушон даври меъморчилиги учун турли маҳаллий хом-ашёларнинг ишлатилиши характерлидир. Бино ва иншоотлар қурилишида етакчи хом-ашё сифатида соз тупроқ хизмат қилган. Ундан пахса, хом ва пишган ғишт, сопол черепица, антефикс, кунгура ва бошқа буюмлар тайёрланган. Оҳактош худуднинг антик давр меъморчилигида асосий қурилиш ашёларидан бири ҳисобланган. Тошдан пойустун, пилястра, капител, карниз ва фризлар, устун ўзаклари ҳамда бошқа кўплаб меъморий безаклар ясалган. Ёғочдан устун ўзаги, тўсин, эшиклар ясалган. Ганчдан кўпроқ қурилиш қоришмаларини тайёрлаш, тош қопламаларни бириктириш, кам ҳолларда ундан меъморий қисм ва безаклар ясашда фойдаланилган.

Мазкур бобнинг «Ясаш техникаси» деб номланган учинчи бўлимида конструктив-безак деталларни ясашда қўлланган турли техник усуллар кўриб чиқилган. Илмий адабиётларда тош пойустунлар оҳактош блокларини махсус дастгоҳда айлантириб йўниш орқали ҳосил қилинганлиги таъкидланган. Ёғоч устунларни ясашиш техникаси назаримизда ясаш қуроллари такомиллашганлигини ҳисобга олмаганда деярли ўзгармаган. Далварзинтепада куйган, лекин шаклини сақлаб қолган тўсин бўлаклари юзасида узлуксиз давом этган ромбик ёки дафна дарахти япроғи шаклидаги безаклар ўйилган. Бундан, ёғоч устунларнинг ҳам юзаси қандайдир ўйма нақшлар билан безатилган деб тахмин қилиш мумкин. Тош устунлар яхлит, тарҳда айлана ва силлиқланган алоҳида цилиндрсимон блоклардан ташкил топган. Капител, карниз, фриз каби меъморий қисмлар яхлит тош блокдан исканага ўхшаш метал асбоблар ёрдамида ўйилган. Баъзи қисмлар юзасида сақланган қизғиш бўёқ излари улар тилла суви билан қопланган деб тахмин қилишга асос бўлади.

Учинчи боб **«Меъморий безакларнинг тадрижи, семантикаси ва реконструкцияси»** деб номланган ва унда бино, иншоотларга оид конструктив ва бадий элементларнинг келиб чиқиши, ривожланиш босқичлари, улардаги бадий образлар семантикаси ёритилган ҳамда реконструкция таклифлари келтирилган.

Мазкур бобнинг «Меъморий безакларнинг генезиси ва ривожланиш босқичлари» деб номланган биринчи бўлимида меъморий безакларнинг келиб чиқиши ёритилган. Пойустунлар ичида энг қадимгиси торосимон тур бўлиб, келиб чиқишига кўра у шарқона анъаналарга бориб тақалади. Аҳмонийлар даврида бу шакл Юнонистон, Кичик Осиё ва Ўрта Осиё худудларига кенг тарқалган. Ионий ва коринф ордерларига хос аттик тур Аттикада мил. ав. V асрда пайдо бўлган. Кичик Осиёда шаклланиб, унинг архаик даври иншоотларида ионий ордерининг ажралмас конструктив қисми ҳисобланган бу тур мил. ав. V аср охирларига келиб ўз мавқеини аттик турга бўшатиб берган. Худуд усталарининг ижодий маҳсули бўлган цилиндрсимон пойустунлар эҳтимол кушон ёки сўнгги кушон даврида қўлланган.

Маҳаллий заминда шаклланиб ривож топган узоқ тарихга эга ёғоч устунлар бир муддат (Юнон-Бақтрия даврида) юнон меъморчилигига хос тош пойустунлар билан ёнма-ён қўлланган. Тош устунларни коринф ордерига хос капителлар билан бирга топилиши, уларни кўпроқ эллин таъсири остида қурилган иншоотларда ишлатилган дейишга имкон беради. Ёғоч устунларнинг бизгача етиб келмаганлиги уларни тадрижий ривожини аниқлашга имкон бермайди.

Капителларнинг генезиси ва ривожланиш босқичлари уларнинг ҳар бир турига кўра фарқланади. Маҳобатли зооморф тош капителлар қадимий Шарқ меъморчилиги элементи ҳисобланиб, Шарқий Ўрта ер денгизи, Қора денгиз бўйи, эллинизм даври (мил. ав. IV-I асрлар)да Кичик Осиёдан Ҳиндистонгача тарқалган. Коринф ордери капителларининг эллинизм даврида кенг ишлатилиши, Бақтрияга ҳам таъсир қилган. Антефиксларнинг ўсимликсимон турининг келиб чиқиши материк Грециянинг архаик даврига бориб тақалса, Зиндонтепа антропоморф образли антефикс кўринишидан мил. ав. VI-IV асрларга оид этрус эҳромларидаги намуналарни эслатади. Буддавийлик ступалари келиб чиқишига кўра Ҳиндистонга бориб тақалса-да, уларни безашда қўлланилган ҳайкалтарошлик ва меъморий-бадий безаклар юнон-рим, ҳинд ва маҳаллий анъаналар таъсирида шаклланган.

